

Препаратнинг савдо номи: Элькар

Таъсир этувчи модда (ХПН): левокарнитин

Дори шакли: ичга қабул учун эритма

Таркиби:

Фаол модда: 300 мг левокарнитин;

Ёрдамчи моддалар: 1,2 мг лимон кислотаси моногидрати, 0,5 мг метилпарагидроксибен-зоат, 0,2 мг пропилпарагидроксибензоат, тозаланган сув 1 мл гача.

Таърифи: тиниқ, рангсиз ёки бироз бўялган суюқлик.

Ўзига хос ҳид бўлишига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: метаболик восита

АТХ коди: A16AA01.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

L-карнитин – В гуруҳи витаминларига яқин бўлган табиий моддадир. Уzun занжирли ёғ кислоталарини (пальмитин ва бошқалар) цитоплазмадан митохондрияга ўтказувчи сифатида моддалар алмашинуви жараёнида иштирок этади, у ерда аденозинтрифосфат кислотасини ва ацетил-КоА ни ҳосил қилиб бу кислоталар β-оксидланиш жараёнига учрайди.

Оқсил ва ёғ алмашинувини яхшилайдди, меъда ва ичак ширасини ишлаб чиқарилишини ва ферментатив фаоллигини оширади, овқатни ўзлаштирилишини яхшилайдди, ортиқча тана вазнини камайтиради ва мушакларда ёғ миқдорини камайтиради. Жисмоний юкламаларга нисбатан чидамлиликини оширади, кетокислоталарни ҳосил бўлишини ва анаэроб гликолизни сусайтиради, лактатацидоз даражасини пасайтиради, гликогенни тежамли ишлатилишига ёрдам беради ва уни жигар ва мушаклардаги захирасини оширади.

Анаболик ва липолитик таъсир кўрсатади. Гипертиреозда ошган асосий алмашинувни нормаллаштиради: қалқонсимон беzi фаолиятини бевосита ингибитори эмас тиреоид гормонларини таъсирининг периферик (билвосита) антагонисти ҳисобланади. Моддалар алмашинувини ва тўқималарни энергия билан таъминланишини яхшилайдди.

Фармакокинетикаси

Ичакда яхши сўрилади, қон плазмасида максимал концентрацияга 3 соатдан кейин эришади ва 9 соат давомида терапевтик диапазонда сақланади. Жигарга, миокардга осон, мушакларга – секинроқ киради. Буйрак орқали, асосан ацил эфирлари кўринишида чиқарилади.

Қўлланилиши

Препаратни мажмуавий даволаш таркибида қўлланилади:

- жадал жисмоний юкламалар ва психоэмоционал юкламалар: меҳнат қобилиятини, чидамлиликини ошириш, толиқишни пасайтириш учун, шу жумладан кекса ёшдаги шахсларда;
- ўтказилган касалликлардан ва жарроҳлик аралашувлардан, жароҳатлардан кейинги реабилитация даврида, шу жумладан тўқималарни регенерациясини тезлаштириш учун;
- сурункали гастрит ва секретор фаолиятини пасайиши билан бўлган сурункали панкреатитни мажмуавий даволаш;
- тери касалликларини мажмуавий даволаш (псориаз, себореяли экзема, ўчоқ склеродермия ва дискоид қизил югурик);
- енгил даражали гипертиреоз;

- бош миянинг қон-томирли, токсик ва жароҳат шикастланишларида неврологик кўринишлар;
- нерв анорексияси синдроми;
- карнитинни етишмовчилиги ёки унинг кўп миқдорда йўқотилиши билан кечувчи касалликлар (миопатиялар, кардиомиопатиялар, митохондриал касалликлар, митохондриал етишмовчилиги билан ёндош наслий касалликлар) – унинг танқислигини тўлдириш учун мажмуавий даволаш таркибида;
- педиатрия амалиётида (3 ёшгача бўлган болаларни шифокорнинг кузатуви остида даволаш): чала туғилган чақалоқлар, туғруқ даврида жароҳат ёки асфиксияни ўтказган янги туғилган чақалоқларни; сўриш рефлекси суст ва тана вазнини ортиши паст бўлган болаларни; мушак тонуси пасайган болаларда, ҳаракат ва руҳий фаолиятини ривожланишини етишмовчилигида, шунингдек “хавф гуруҳи” га мансуб болаларда бу бузилишларни профилактика қилиш мақсадида; болаларда ва 16 ёшгача бўлган ўсмирларда ўсишни кечикишида ва тана вазнини етишмовчилигида;
- катталарда спорт тиббиётида ва жадал машғулотларда (машғулот жараёнида аэроб шароитда қобилиятни машқ қилишда); тезлик-кучли кўрсаткичларини ва ҳаракат координациясини яхшилаш учун; мушак массасини ошириш ва тананинг ёғ массасини камайтириш учун; машғулотдан кейинги синдромни олдини олиш учун (жисмоний юкламадан кейин тикланиш жараёнларини тезлаштириш) жароҳат шикастланишларда мушаклар регенерациясини тезлаштириш мақсадида.

Қўллаш усули ва дозалари

Препаратни мажмуавий даволаш таркибида қўлланилади.

Овқатдан 30 минут олдин қўшимча суюқлик билан суюлтириб ичга қабул қилинади. *Узоқ жисмоний ва психозэмоционал юкламаларда:* 0,75 г дан (1/2 ўлчов қошиқчаси ёки 7,5 мл) кунига 2-3 марта.

Нерв анорексиясида, шунингдек ўтказилган касалликлардан ва жарроҳлик аралашувларидан ва жароҳатдан кейин реабилитация даврида: 1,5 г дан (1 ўлчов қошиқчасида ёки 5 мл) кунига 2 марта. Даволаш курси 1-2 ой давомида.

Сурункали гастритни ва секретор фаолиятини пасайиши билан бўлган сурункали панкреатитни мажмуавий даволашда: 0,375 г дан (1/4 ўлчов қошиқчаси ёки 1,25 мл) кунига 2 марта. Даволаш курси – 1-1,5 ой давомида.

Тери касалликларини даволаш учун: 0,75 г дан (1/2 ўлчов қошиқчаси ёки 2,5 мл). Даволаш курси – 2-4 ҳафта давомида.

Енгил даражали гипертиреозда: 0,25 г дан (13 томчи) кунига 2-3 марта. Даволаш курси – 20 кун. Даволаш курсини 1-2 ойлик танаффусдан кейин такрорланади ёки 3 ой давомида танаффуссиз буюрилади.

Бош миянинг қон-томирли, токсик ва жароҳат шикастланишларида: суткада 0,75 г дан (1/2 ўлчов қошиқчаси ёки 2,5 мл). Даволаш курси – 3-5 кун давомида. Зарурати бўлганда 12-14 кундан кейин такрорий курслар буюрилади.

Карнитинни етишмовчилиги (бирламчи ва иккиламчи карнитин етишмовчилиги) билан кечувчи касалликларда: тана вазнига 50-100 мг/мл гача (2-5 томчи/кг) кунига 2-3 марта қабул қилинади. Даволаш курси – 3-4 ой давомида.

Болаларга: ширинликларга (кисел, компот, шарбат) қўшимча сифатида буюрилади. 3 ёшгача бўлган болаларга дозани даволовчи шифокор белгилайди. 3 ёшдан 6 ёшгача – 0,1 г бўлган болаларга бир марталик доза (5 томчи) кунига 2-3 марта; суткасига 0,2-0,3 г (11-16 томчи) дозада қўлланилади. Даволаш курси – 1 ой давомида. 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларда бир марталик доза 0,2-0,3 г (11-16 томчи) 2-3 марта, суткалик доза 0,4-0,9 г (22-48 томчи). Даволаш курси – 1 ойдан кам бўлмаган вақт.

Ўсишни кечикишида: 0,25 г дан (13 томчи) кунига 2-3 марта. Даволаш курси 20 кун. Даволаш курсини 1-2 ойлик танаффусдан кейин такрорланади ёки 3 ой давомида танаффуссиз буюрилади.

Спорт тиббиётида ва жадал машғулотларда: 2,5 г дан кунига 1-3 марта (суткалик доза 2,7-7,5 г); даволаш мақсадида қўлланилганда – суткада 70-100 мг/кг (суткада 5-7,5 г) буюрилади. Қабул қилиш курслари: мусобақадан олдинги даврда 3-4 хафта. Машғулот жараёни даврида – 6-8 хафтани ташкил этади.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар, гастралгия, диспепсия, миастения (уремия бўлган пациентларда) бўлиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Шахсий ўзлаштираолмасликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Глюкокортикостероидлар препаратни тўқималарда (жигардан ташқари) тўпланишга олиб келади, бошқа анаболиклар самарани кучайтиради.

Махсус кўрсатмалар

Қандли диабет бўлган пациентларга препаратни буюриш глюкозани ўзлаштирилишини яхшиланиши натижасида гипогликемияни ривожланишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, препаратни қўллаш вақтида қонда глюкозанинг даражасини мунтазам равишда назорат қилиш ва зарурат бўлганида гипогликемик препаратлар ва инсулиннинг дозасини тўғрилаш керак.

Автотранспортни ҳайдаш ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Препарат автотранспорт ёки мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир кўрсатмайди.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Ҳомиладорлик ва лактация даврида препарат она учун даволашдан кутилган фойда ҳомила ёки гўдак учун потенциал ҳавфдан устун бўлган ҳолдагина қўллаш мумкин.

Педиатрияда қўлланиши

Препарат педиатрия амалиётида қўлланади. 3 ёшгача бўлган болаларни даволашни шифокор кузатуви остида амалга ошириш керак.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати тугаганидан сўнг ишлатилмасин.

Чиқарилиш шакли

Ичга қабул қилиш учун эритма, 300 мг/мл.

100 мл ли шиша флакон. 100 мл дан биринчи очиш назорат халқаси бўлган қопқоқ билан беркитилган тўқ шиша флаконларда. Флаконга 20 мл хажмли ўлчов стаканчаси кийгизилади. Ҳар бир флаконни қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

50 мл ли шиша флакон. 50 мл дан биринчи очиш назорат халқаси, томчилагичи бўлган қопқоқ билан беркитилган тўқ рангли шиша флаконларда. Ҳар бир флакон рискали “1/4” ва “1/2” ёрлиқли (бу 1,25 мл ва 2,5 мл га мос келади), номинал ҳажми 5 мл бўлган ўлчов қошиқчаси ва қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутига жойланади.

25 мл ли шиша флакон. 25 мл дан биринчи биринчи очиш назорат халқали, томчилагичи бўлган қопқоқ билан беркитилган тўқ рангли шиша флаконларда. Ҳар бир флакон қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутига жойланади.

Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Очилгандан кейин совутгичда 2 ой давомида сақлансин.